Фан ва техника янгиликлари

# Нейтрон технолог ролида

Ленинграддаги «Позитрон» бирлашмасида технологияга хизмат қила бошлаган тезлатгич техника радиодеталларининг тез ва соз ишлаши учун янги-янги имкониятлар очиб берди. Зарядланган зарраларни кучли тезлатгич приборлар тайёрлаш технологиясига қўшилди.

Асосий йўналишлар лойиҳасида принципиал янги технологияларни, жумладан радиацион технологияни халқ хўжалигига кенг кўламда жорий этиш кўзда тутилган, — деди марказ раҳбари, физика-математика фанлари кандидати В. Ярмаркин. Эндиликда тезлатгич илмий-тадқиқотларда олимлар, тажрибакорлар қўлида дастур бўлишдан ташқари ишлаб чиқариш бўғини сифатида ҳам қўл келади. Электрон техника маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқаришда тезлатгич ўз самарасини берди.

Масалан, рангли митти телевизорларда ишлатилувчи микросхемаларга радиацион ишлов бериш натижасида уларнинг пухталиги ва сифати ортди. Конденсаторларнинг намдан сақловчи қопламаларини тезлатилган электронлар билан бомбардимон қилиш натижасида яроқли маҳсулотлар чиқиши ғоятда кўпайибгина қолмай, уни ишлаб чиқариш босқичларидан бирини 6 соатда бир неча минутга қадар камайтиш имконини берди. Приборларга кетадиган материалларнинг кўпи тезлатилган электрон оқими таъсирида ажойиб хоссаларга эга бўлиб қолди. Натижада «Позитрон» мутахассисларига ғоят тез ишлайдиган янги авлод электрон ҳисоб машиналари учун элементлар яратишда ёрдам беради.

Л. ФРОЛОВ, ТАСС мухбири.



Ер ости хазиналарини қидириб топишда геолог олимларимизнинг катта ҳиссалари бор. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институтининг илмий ходими Саидаҳмад Саидғаниев ана шундай талантли геологлардан бири. У замонавий аппаратларда ер ости маъданларини текшириб кўрмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

## Энергетиклар учун «Филин»

Дурбинга ўхшаб кетадиган оптик прибор «Филин» электр линияларида ўрнатилган изоляторларнинг нуқсонларини тез топишда энергетикларга ёрдам беради.

Изолятор шодасининг изоляцияси бузилганида вужудга келувчи ғоятда заиф нуқра шуълаланишни шу прибор окуляри орқали кўрса бўлади. «Филин» одатдаги оптик қурилмалар сингари объект масштабини катталаштирмасдан кўз илғамас шуълаланиш ёрқинлигини минг баравар кучайтириб беради.

Приборнинг бир мунча камчилиги бўлишига қарамай, приборни кечасигина ишлатиш мумкин бўлади—«Филин», яъни «укки» деб аталганлиги бежиз эмас, у юқори вольтли электр линияларига қараб турувчи кишиларнинг қийин меҳнатини анча енгиллаштиради. Янгилик Экибастуз — Кукчетов электр линиясида синовдан яхши ўтди. Сибирь энергетика илмий-тадқиқот институтида яратилган «Филин» шу йил кўплаб тайёрлана бошлайди ва мамлакатнинг катта-катта энергетика объектларида ишлатилади.

## Пионер тарихи музейи

Серқуёш республикамиз пионер ёшлари яратган ажойиб анъаналар ўз шонли йилномасига эга. Шу тарихий босқичда жуда кўплаб ибратли ишлар амалга оширилди. Пионерларнинг мақташига арзигулик янги-янги ҳаракатлари юзага келди.

Ўзбекистон пионер ташкилотларининг бу ва шу каби жўшқин фаолиятлари билан тамошабинларни яқиндан таништириш мақсадида Тошкентда пионер шон-шуҳрати музейи ташкил топди. В. И. Ленин номидаги республика пионер ва ўқувчилар саройи ҳузурида яқинда иш бошлаган мазкур музей экспонатларга жуда бой.

Яқин орада улар республикамиз пионер ва ўқувчиларининг меҳнатсеварлик фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи янги материаллар билан бойиди. Жонажон партиямизнинг XXVII съезди шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбалик кунида музей активистлари меҳнат байрамига қатнашадиган тенгдошлари бажарган ишлар ҳақида материаллар тўплаб, уларни қизиқарли экспонатлар сифатида экспозицияга қўядилар.

Н. А. Добролюбов таваллудининг 150 йиллиги

# Тафаккурнинг сўлмас баҳори

ХАЛҚНИНГ келажакка борар йўлларига ўз эҳтиросларга тўлиқ юрагини машъал қилиб тутган инсонлар бўлади. Уларнинг барча онгли ҳаётлари ғоялар кураши ва ғояларнинг бўрон янглиғ ҳаракатлари ичида ўтади.

Бу одам бор-йўғи йигирма беш йилгина яшади. Тўрт йилгина фаол ёзди. Севган қизига уйланолмади. Лекин онгли ҳаётининг барча дамлари қашшоқлик билан олишувларга сарф бўлди. Қашшоқлик дорилфунуни унга қуллик, мустабидликка қарши омонсиз, муросасиз кураш дорилфунунига айланди.

У рус адабиётига ўтган асрнинг эллигинчи йиллари яримлаганда худди эрта кўклам ҳавосидай кириб келди. Даҳолар ва титанларга ғоятда бой бу адабиётда мисоли ҳеч аримайдиган кўклам каби қолди.

Добролюбов...

Табиат даҳоларга барча зарур фазилатларни саховат билан беради. Добролюбовга табиат ҳаммадан бурун сўз саховатини берган, саховатли сўз берган эди.

У 1836 йилда Нижний Новгород шаҳрида руҳоний хонадонида дунёга келди. Лекин ажабки, бу хонадонда фикрлар, онгларни пўпанак босмаганди. Бу хонадонга мунаввар фикрлар шабадаси кирадиган даричаларни қора ридолар, темир ва ёғоч хочлар, антиқа диний осори атиқалару кўзлари сузук санамлар туширилган суратлар тўсиб ташламаганди.

Шунинг учун хонадоннинг тўнғичи Николай Добролюбов ҳали уч-тўрт ёшлариёқ масалчи бобо Криловнинг ғаройиб шеърларини ёддан шариллатиб ўқиб берарди. Уйда унинг саводини эрта чиқардилар. Ўқишни билиб олгач у китобни шунчалар севиб қолдики... Ўз кутубхоналарини тез орада ишғол этиб, сўнг ташналик билан бошқа таниш-билиш зиёли хонадонларнинг кутубхоналаридан фойдалана бошлади

Китоб Добролюбовнинг жондилига айланди. Китоблар унинг мурғак қалбида олижаноб орзулар уйғотди.

У китоб мубталоси бўлди.

Унинг мияси, онги тип-тиниқ денгиз эди. Китоблар шу денгиз тубига инжу бўлиб тўкилди.

Добролюбов китобларни шунчаки қизиқ бўлгани учун эмас, уларнинг мағзи-мағзига сингиб мутолаа қиларди. Қадимги Юнон, Рим, Европа ва Россия адабиётларини у ўсмирлик чоғларидаёқ яхши ўзлаштирган эди.

ДОБРОЛЮБОВ таржимаи ҳоли ҳақида китоб ёзган кишилар унинг ўн икки ёшгача 785 жилд катта китобларни фаол, ижодий ўзлаштирганлигини қайд қилиб ўтганлар. У барча ўқиган китобларини хотира дафтарларига чизиб борган.

Китоблар Добролюбовга одамларни севишни ўргатди. У эрта болаликдан ниҳол офтобга интилгандай яхши одамларга интилиб яшади. Олижаноб, меҳрибон, яхшиликка қобил одамларни кўрсам, —деб ёзган эди Добролюбов ўсмир чоғларида кундаликларида, — жон-дилим билан уларга талпинаман... Мен ҳеч қачон кишиларга муҳаббатсиз, меҳроқибатсиз яшолмайман...

Добролюбовда зулм ва истибдодга қарши исёнкорлик ҳали ўсмир чоғларида, семинарияда ўқиб юрганларида уйғонди. Талабалик кезлари у ажиб бир жасорат билан «Слухи» («Миш-мишлар») деган деворий газета чиқарди. Унда крепостной Россиянинг чиркин иллатлари тилга олинди ва фош қилиш йўлидан борилди. Добролюбов ўз деворий газетасида катта сиёсий масалаларни аччиқ тил билан ёритди. Газета билан бирга Добролюбов тўгараги вужудга келди. Эрк ғоясига ташна ниҳоллар унинг атрофига тўпландилар. Добролюбов сатирик шеърлар ёзди. Ўн тўртга кирганда у биринчи мақоланинг автори эди. Добролюбов сиёсий-инқилобий йўналишни жуда шиддат билан олган эди. «Слухи»нинг 1855 йил 11 сентябрда чиққан учинчи сонида шу сўзларни ўқиш мумкин эди:

«Ҳозирги давлат идорасининг чурук иморатини бутунлай бузиб ташлаш керак. Унинг тепа қисмини йўқотиш учун пойдеворини яхшилаб қимирлатиш ва силкитиш зарур. Бу иморатнинг қуйи асосини халқ ташкил этар экан, шу халққа таъсир ўтказиш, ҳақиқий аҳволга унинг кўзларини очиш, асрларча унинг дилида паҳлавонлардек уйқуни уриб ётган кучларни уйғотиш, унга инсонлик қадр-қиммати, чин маънодаги яхшилик ва ёмонлик, табиий ҳуқуқлар ҳамда бурч ҳақидаги тушунчаларни сингдириш керак...»

Ўн тўққиз яшар Добролюбов чор истибдоди, ҳадсиз зулм, қулга ва подага айлантирилган халқ нималигини биларди. У подшолик идоралари буткул зўравонлик, муштумзўрлик, ўзбошимчалик, ҳур сўзларни бўғиш асосига қурилганлигини ўз кўзлари билан ҳар қадамда кўрмоқда эди. Зўравонлик уни эркпарвар қилди, истибдод уни курашчига айлантирди.

ДОБРОЛЮБОВ ўз бурчини, нима қилиш кераклигини жуда эрта англаб етганди.

У чироқ бўлиб озод чироқларга талпинди.

Белинский, Гоголь, Герцен ғоялари ва ижтимоий йўлларига эътиқод ҳамда муҳаббат билан эргашди.

Уларнинг бутун ўн тўққизинчи аср ҳаётини ёритган улуғ машъаласига парвона каби бориб урилмади. Йўқ. У шу машъаллардан ўз орзу пилигини ўт олдирди ва улар ёнига машъала бўлиб қўшилди. Шоир Некрасов бекорга айтмаганди унинг илк мақолаларини ўқиганда: бизга Белинский қайтиб келгандай бўлди, деб...

Лекин буюк салоҳият берилган навқирон мутафаккирни тақдир ҳам сира аямасди. Ҳар қадамда уни кутилмаган оғир кулфатлар, мушкулликлар кутарди. У юксакка интилгани сари кулфатлар оёқларига тош бўлиб осиларди.

Онаси еттинчи фарзандини туғиб сўнг ўзини ўнглолмади, ёш вафот этди.

Бу жудоликни кўтаролмаган отаси 42 ёшида оламдан кўз юмди,

Еттита ёш укаларига ёлғиз Добролюбовнинг ўзи бош бўлиб қолди. Бу чоғларда у педагогика институтида таҳсил кўрмоқда эди. Хонадон оғир аҳволда қолди. Кечагина гавжум уй тўзди. Яхши одамлар гўдак Добролюбовларни ўз бағирларига олдилар. Ака-сингиллар неча хонадонларга тарқалишди. Лекин ўзганинг нон-тузи томоқдан осон ўтмас экан. У кўз-ёшлар, хўрлик билан ютилар экан. Кўп ўтмай Добролюбовнинг кичик синглиси вафот этди. Хонадон яна бир чироғини йўқотди. Добролюбов эса Петербургдан укалари олдига келиб кетишга андак маблағ топа билмасди. Шу кезлари у фарёд чекиб ёзганди:

«Мен худди чиқиб бўлмас қўрқинчли ботқоқликка ботиб қолганга ўхшайман... Атрофимда туғишган укаларим, сингилларим балчиққа қоришиб бормоқда, уларга ёрдам берай дейман, уринаман, лекин ҳар қўлимни чўзганимда яна оёқларим пастга баттарроқ ботади... менга мадад қўлини чўзадиган кимса йўқ, биров ёрдам беришни истамайди, бошқаси эса ботқоққа яқин келишдан қўрқади ва нима қилишини билмайди... Юленьканинг ўлими кулфат косамизни тўлдириб юборди, қайғумизнинг чеки бўлмай қолди...»

Лекин Добролюбов жуда кучли характерга эга, бутун инсон эди. У бир мақоласида кучли одамлар ҳақида шундай деб ёзган эди:

«Кучли характер эгалари кўпда адашиб-улоқиб юрмайдилар: улар равшан ва соғлом фикрга кучли тарзда амал қиладилар, шунинг учун ҳам улар қоронғу ва ноаниқ нарсалар устида узоқ тўхталиб ўтирмайдилар, бундай ҳолатлардан қандай бўлмасин жуда тез қутулишга киришадилар. Ўзларида бир ноқулайлик ёки ғашлик сезсалар, уни дарҳол қувиб юборадилар. Лекин бу ғашлик ҳадеганда ўтиб кетавермаса, кўнгилларида туғилган янги талабларни баралла ва бор овоз билан юзага чиқарадилар ва шундан сўнг то қаноат ҳосил қилмагунча хотиржам бўлмайдилар...» Островскийнинг «Момақалдироқ» асарининг қаҳрамони Катерина образининг моҳиятини очиш юзасидан айтилган бу гап назаримизда тўла-түкис Добролюбовнинг ўз шахсига ҳам тегишлидир.

Шу пайтлардан эътиборан Добролюбов ҳали жуда ёш бўлишига қарамасдан қаттиқ ишга берилди. У ҳам ўқиди, ҳам Петербургнинг турли хонадонларида муаллимлик қилди, ҳам тунларни саҳарларга улаб лотин, француз, немис тилларини ўрганди, шу тиллардан бадиий таржималар қилди, Рим ва қадимги рус-славян адабиётлари устида тадқиқотлар олиб борди. Институтнинг подшопараст раҳбарларига қарши курашди, Беранже руҳидаги озодлик ва тенгликни куйлаган шеърлар ёзди. Илғор фикрли ёшлар ва профессорлар ўртасида обрў қозонди.

ДОБРОЛЮБОВ улуғ одамларга талпинаркан, ҳаёт унинг орзусига кўра ком ҳам берди. Добролюбов қисматининг мантиқи шундай эди, шу мантиқ уни Чернишевский ҳузурига олиб келди.

Петербургда мақоласини илк маротаба Чернишевскийга кўрсатганда Чернишевский 28 ёшда, Добролюбов эса 21 яшар йигитча эди. Шу куни улар жуда узоқ ўтириб суҳбатлашдилар. Бу суҳбатлар сўнг Чернишевскийнинг «Муқаддима» деган автобиографик романида тўла ўз ифодасини топди. Романда у Добролюбовни Левицкий номи билан тасвирлади. Қандай ажойиб инсон! — деган эди ўша суҳбат ҳақида Чернишевский,— қандай ёзади, мен бундай ёзолмайман... Одамларни ўзига оҳанграбо каби тортадиган Чернишевский ҳали ҳеч нарсаси матбуотда чиқмаган ёш адибнинг қўлёзмасини ўқиб ва уни «Современник» журнали учун қабул қилиб, яна бу ҳақда буюк башорат қилиб ҳам қўйган эди. Шундан эътиборан, Чернишевский Добролюбов ҳаётида, унинг ижодкор сифатида ўсишида бу адабиётнинг тарихида ҳеч қачон унутилмайдиган бебаҳо роль ўйнади.

Чернишевский навқирон, ҳали умр тўфонларини кўрмаган, лекин ички дунёси руҳий ғалаёнларга тўла бу йигитда халқ иши учун куйган, халқ иши учун бошини тиккан, Белинский ва Герценнинг инқилобий демократик ғояларига содиқ кишини кўрди. Унга ишонди. Уни бағрига олди. Йўл кўрсатди. Унга худди ўзига, ўз буюк ишига қараган одамдай қаради.

Чернишевский билан бўлган учрашувдан сўнг Добролюбов даврнинг илғор фикрларини илгари сурган, улуғ шоир Некрасов бошчилик қилган «Современник» журнали билан яқиндан ҳамкорлик қилди.

Добролюбов ўз камолоти устида титанларча ишлаб, ҳар томонлама етилиб қолган эди. Шунинг учун ҳам, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай у журналнинг тўрт улуғ устуни ичида бир мустаҳкам устун бўлди. У ўзининг биринчи мақолалари биланоқ Некрасовнинг муҳаббатини қозонди. Некрасов бу йигит қалбида вулқонлар отилишига тайёр турганлигини Чернишевский билан бирга биринчилардан бўлиб ва ҳаммадан кўра яхшироқ сезган, фаҳмлаган эди.

Добролюбов ўзининг ҳар рисоласида, ҳар сўзида фаолият мезони — инсонликнинг бош мезони эканлигини таъкидлаб борди. Ўзигача бўлган адабиётдан, ўз даври адабиёти намуналаридан фаолият кишиларини қидирди. «Обломовчилик нима?», «Ҳақиқий кун қачон келади?», «Зулмат салтанати», «Зулмат салтанатидаги зиё», «Унутилган одамлар» сингари ўлмас қимматга эга асарларида фаол одамлар ҳақидаги марказий ғояларини илгари сурди. У Тургеневнинг «Арафа» романидаги Елена образини шоирона эҳтирос билан таҳлил қиларкан, «фаол интилиш», «фаол яхшилик», «фаол муҳаббат», «фаол ҳаёт» деган сўзларни ўқувчиси онгига қуйиш учун кетма-кет такрорлайди. Елена образининг яратилишини «фаол характер яратиш йўлидаги уриниш» деб баҳолайди.

Добролюбов доим янги замон кишисини орзу қилди. Жамиятимизда улуғ ғоялар етилмоқда ва албатта, тез орада фаолият кишилари келарлар! — деб башорат қилди. Унинг назарида янги типдаги одамни яратадиган адиб ҳам тамомила ўзига хос бир қиёфага эга бўлади. Чунончи, янги адиб ўзида Пушкин гўзаллигини, Лермонтов қудратини, Кольцовнинг реал, соғлом жиҳатларини жам қилиши керак, деб ёзди.

Добролюбовда ишга, фаолиятга чорлаш руҳи етакчи. Шуни назарда тутиб Достоевский Добролюбов билан санъат моҳияти хусусида жиддий баҳс қиларкан, уни сиз фаолият кишисисиз, деб атаган ва яна «унинг талантида эътиқоддан туғилган қудрат бор», деб айтган эди.

Добролюбов адабиётнинг тақдирига самарали таъсир кўрсатадиган, халқ билан қизғин, жасур, юракдан сўзлашадиган танқид яратди. Шундай янги танқид майдонида ўзини публицист ва жангчи сифатида намоён қилди. У ўзининг ўлим чоғидаги сўнгги сўзларини Достоевский асарларининг ажиб етук таҳлилига бағишлади. Ва сўнгги сўзларини абгор одамларнинг тирик юраги ҳамда уларнинг яшаш ҳамда бахтли бўлишга ҳақлари ҳақидаги ўйлар билан тугатди.

Ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган Добролюбов бир дўстига ёзган хатида: «бизнинг баҳоримиз эндигина бошланмоқда», деб ёзган эди. Ха, ростдан ҳам, унинг баҳори эндигина бошланмоқда эди. Добролюбовнинг барча асарларидан баҳор нафаси келиб турарди.

Уларда бокира виждон, бокира фикр, бокира башоратлар баҳор чақмоқларидан гулдираб турадилар.

Иброҳим ҒАФУРОВ.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

## Ҳаёт файзи

Бахтли замонамизда, тинч-фаровон ҳаётимизда ичкиликбозликдек ёмон иллатга асло йўл қўйиб бўлмайди, ҳозирги пайтда бу хунук одатга ҳамма жойда, маҳаллаларда, турар жой массивларида, завод ва фабрикаларда, маданий ва тарбия муассасаларида, умуман барча меҳнат коллективларида соғлом кайфият ва ҳушёр турмуш тарзини мустаҳкамлаш бўйича муҳим тадбир-чоралар амалга оширилмоқда. Тошкент Давлат медицина институти 2-клиникаси шифокорларининг бу борадаги фаолиятлари ҳам эътиборга молик бўлаяпти.

«Соғлом ва ҳушёр турмуш учун» шиори остида иш олиб бораётган клиника шифокорлари ичкиликбозликнинг инсон саломатлигига ниҳоятда зиён экани ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориб, суҳбат-лекциялар ўтказишмоқда. Шифокорлар коллективи суд, милиция ва прокуратура ходимлари билан тез-тез учрашиб, улар ҳамкорлигида ичкиликбозликка қарши самарали курашишни яхши йўлга қўйишди. Клиникада Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари Ф. Қиличев иштирокида «Ичкиликбозликка қарши муросасиз курашамиз» деган мавзуда ўтказилган суҳбат йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Клиниканинг бош врачи, медицина фанлари кандидати Мурод Қодиров ичкиликбозлик инсон умрини қисқартирадиган, насл-насабини ногирон қиладиган оғу, соғлом ва ҳушёр ҳаёт тарзини бузадиган ёмон иллат эканини ҳаётий мисоллар асосида гапириб берди.

Шифокорлар доим инсон саломатлигини муҳофаза қилар эканлар, шу билан бирга ичкиликбозликка қарши аёвсиз ва муросасиз курашни ҳам ҳеч бир тўхтатмасликни ўзларининг шарафли бурчлари эканини айтдилар.

Ш. СИДДИҚОВ.

## Бензин буғининг зарари

**Бензин буғи организмга қанақа таъсир қилади! Шу ҳақда билмоқчи эдим.**

**Карим Жўраев, шофёр.**

Бензин буғи қисқа муддат нафасга урганда ҳам бош оғрийди, одам бўшашади, йўтал тутади.

Автомобилдан чиқадиган газнинг ҳам зарари кўп, унда чала ёнган ёнилғи буғлари, турли кимёвий бирикмалар, жумладан ис гази бўлади.

Шундай ҳам бўладики, ҳайдовчилар бензин буғи ва автомобиль газининг организмга заҳарли таъсир қилишини билмай ёки техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмай автомобиль кабинасида ёхуд гаражда двигателни ўчирмасдан ухлашга ётадилар. Бу ҳаёт учун хавфли.

Кўпинча ҳайдовчилар, профессионал ҳайдовчилар ҳам, ҳаваскор ҳайдовчилар ҳам бензиннинг заҳарли таъсирига бепарво бўладилар, бензинни бир идишдан иккинчисига қуйиш учун оддий шлангдан фойдаланадилар, бензинни тортиб олиш учун шлангни оғизга оладилар. Бундай ҳолларда бензин буғи ўпкага боради, одам сал янглишса бензин оғизга келиб, меъдага ўтиб кетади. Бензинни шланг орқали оғиз билан тортиб олиш асло мумкин эмас!

Этилли бензин, айниқса, хавфли бўлади. Бундай бензинда ва унинг буғида бўладиган тетраэтилсвинец асаб системасига таъсир қиладиган кучли заҳар ҳисобланади. Шунинг учун этилли бензинни биноларда сақлаш, автомобиль салонларида ташиш, бўёқларни суюлтириш учун ишлатиш, зажигалкага солиш, у билан кийим-кечакларни тозалаш ва турмушда бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

Бензин унинг буғи билан, автомобиль гази билан заҳарланганда беморни тоза ҳавога олиб чиқиш, пахтани нашатир спиртига ҳўллаб ҳидлатиш ва тезда врач чақириш лозим.

М. ОРИФЖОНОВА тайёрлаган.



Болалар сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишда шифокорларимиз доим фидокорлик кўрсатишади. Хатима Усмонова ўн беш йилдирки, шифокорлик касбини шараф билан бажариб келяпти. У шаҳримиздаги 6-болалар поликлиникасида ҳалол меҳнат қилмоқда. Қўли енгил шифокордан ота-оналар болаларини яхши даволагани учун беҳад миннатдор бўлишмоқда.

СУРАТДА: шифокор Хатима Усмонова бемор боланинг соғлиғини текшириб кўрмоқда.

В. Бектуганов фотоси.

# Ичманг ва чекманг

Ақлимиз ва виждонимиз биздан ичкилик ичмаслик ва ичирмасликни қатъиян талаб этади.

Л. Н. ТОЛСТОЙ.

ИЧКИЛИК деган ярамас оғу инсон саломатлигига, унинг умри қисқаришига, ширин ҳаёт тарзи бузилишига қанчалар ёмон таъсир қилиши кўпчиликка маълум. Шундай бўлса-да, биз шифокорлар бу масалада ҳаммадан кўпроқ халқ орасида тушунтириш ишларини, алкоголнинг инсон организмига зарарини, болаларнинг нимжон, ҳар хил асаб касалликларига дучор бўлишлари, ташқи ва ички аъзоларнинг нуқсонликлари (қизилўнгач, ичакларнинг, кўкрак қафаси аъзоларининг, жинсий аъзоларнинг ҳар хил нуқсонлари) билан туғилишларини айтиб беришимиз зарур. Айтайлик, биз ишлайдиган Ўрта Осиё медицина педиатрия институти болалар хирургияси клиникасида шу вақт мобайнида 500 дан зиёд бемор болалар фақат ташқи жинсий аъзоларнинг нуқсонлари билан даволанди (гипоспадия, эписпедия, пешоб пуфагининг экстрефияси ва бошқалар).

Ичкиликбозлик — бу ёмон яра сингари кишининг фақат соғлиғига эмас, балки бутун оиласига ҳам салбий таъсир этади.

Менинг В. исмли танишим ўн икки йил мобайнида винога кўнгил бериб, не-не маломатларга учрамади. Гулдай гўзал оиласидан ажралди, соғлигига катта путур етказди. Ҳозир, мана ярим йилдирки, ичишни ташлаб оиласи билан бўлиб, ишлаб юрибди. Ҳамма хурсанд.

Ичкиликбозлик — бу жамиятимизга ёмон иллат. Ҳар қандай бўлар-бўлмас «улфатчи»ликка барҳам бериш лозим. Чойхоналарда ичкиликбозлик ўрнига, яхши ошхўрлик қилиш, чой ичиш, ширин суҳбат қуриб, радио-телевизор эшитиш, мароқли дам олиш лозим. Шуни айтиш кераки, айрим ҳолларда ош идишда қолиб кетиб, фақат маст бўлгунча ичкилик ичилади, оқибати кўпинча жанжал билан тугайди.

ИЧКИЛИК билан бир қаторда, тамаки чекиш ҳам ундан қолишмайди. Айниқса болалар касалхоналарида айрим ходимларимиз ўта кашанда, коридорларда, хоналарда папирос чекиб ўзларидан ташқари ёш бемор болаларни ҳам заҳарлайдилар. Бу масалада ҳам, айниқса болалар медицина корхоналарида худди ичкиликбозликка қандай курашилса, тамаки чекувчиларга ҳам худди шундай талабларни қўйиш лозим. Бунинг учун раҳбар ходимларнинг ўзлари аввало ўрнак кўрсатишлари керак.

Маълумки, одам организмида учрайдиган айрим касалликларнинг келиб чиқишида алкоголь ҳам, никотин ҳам катта, ўзича ўрин эгаллайди. Бобокалонларимиз айтганидек, агар инсон ичкилик ичмай, тамаки чекмай, оромли ҳаёт кечирса 150—200 йил яшаган бўлур эди.

Бу икки зарарли одат ўрнига ҳар бир киши эрталаб 2—3 километр югуриб, бадантарбия билан шуғулланса, организмига ғоят фойда бўлади. Эрталабки югуриш кўпгина касалликларнинг тузалишига ёрдам беради. Маълумки инсон табиатан ҳаракатчан бўлади. Японларнинг айтишича, ҳар бир киши бир кунда камида 10 минг қадам пиёда босиши лозим. Бу дегани, ҳар бир киши ўртача бир кунда 5—6 километр юриши керак. Ҳаракат баракали бўлса, соғлиқ ҳам шунга мос келади.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ва тамаки чекишга қарши курашнинг асосий усулларидан бири биз юқорида айтган эрталабки югуриш — кўп ҳаракат қилишдир. Зотан, айрим ЖЭК ходимлари, мактаб дирекцияси, район ижроия комитети ходимлари меҳнаткашларнинг эрталабки бадан тарбияси, югуришни таъмин қиладиган майдончаларга алоҳида эътибор берсалар айни муддао бўлур эди.

Ю. УЛЛИЕВ,

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти болалар кафедрасининг доценти.

## Диагноз—тилда

Ҳозирга қадар шифокорларга жуда муҳим бўлган мазатаъм билиш даражасини аниқлаш манбаи номаълум эди. Ҳолбуки таъм сезишнинг издан чиқиши қатор хасталиклар аломатидир.

Польшалик мутахассислар бу проблемани ҳал этиб, диагностика манбаи сифатида фойдаланишга қарор қилдилар. Улар яратган приборда «батарейка принципидан» фойдаланилган. Маълумки, электродга тил теккизилса истар-истамас ёқимсиз енгил металл таъми сезилади. Бундай электродлар янги приборда ҳам мавжуд бўлиб, фақатгина унда ток кучи бошқарилади. Характерли нохуш таъмни сезиши учун ток кучини қанча ошира боришга тўғри келса, беморнинг таъм билиш даражаси шунча ёмонлашганлиги аён бўлади.

## Музикали даволаш

Вильнюс яқинидаги шаҳар болалар касалхонасида миллий музика асбоблари мучуча ва турли катталикдаги найлар хоҳлаган оҳангда куй таратади. Ёш беморлар оркестрда қатнашиб, нафас йўллари касаллигини даволашда соғлиқни тиклаш терапияси курсидан ўтадилар. Бундай даволаш бир йўла нафас олиш гимнастикаси ҳам бўлиб, шифобахш ҳаяжон касб этади.

